

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЛУТФУЛЛАЕВ ПЎЛАТХОН МУХИБУЛЛАЕВИЧ

**ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СИФАТ
ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Лутфуллаев Пўлатхон Муhibуллаевич

Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни

таъминлаш йўллари..... 3

Лутфуллаев Пўлатхон Муhibуллаевич

Пути обеспечения качества и конкурентоспособности в зарубежных высших

образовательных учреждениях..... 23

Lutfullayev Pulatkhon Mukhibullayevich

Ways of providing the quality and competitiveness in foreign higher educational

institutions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЛУТФУЛЛАЕВ ПЎЛАТХОН МУХИБУЛЛАЕВИЧ

**ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СИФАТ
ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.Phd/Ped108 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аширбоев Самихон**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Акрамов Абдумалик Абдумуталович**
педагогика фанлари доктори

Артикова Муҳайё Ботиралиевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ҳ.Ё.Нажмиддинова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Б.Х.Ходжаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олий таълим сифати ва кадрлар рақобатбардошлигини ошириш, интеллектуал фаоллигини шакллантириш масалалари билан ЮНЕСКО, олий таълим сифатини таъминлаш Европа тармоғи шуғулланмоқда. Айниқса, олий таълим мазмунини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларнинг компетентлигини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Олий таълимнинг Европа кенглиги» (2010) каби интеграцион жараёнлар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ҳозирги вақтда олий таълим бир мамлакат доирасида ривожлана олмаслигини кўрсатмоқда¹.

Хорижий мамлакатларда ижтимоий, иқтисодий соҳаларда интеграллашув, халқаро малака талабларига мос кадрлар тайёрлаш мазмуни, муассаса ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илмий методик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълимдаги сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи механизмлар хусусиятларини кўрсатувчи бенчмаркинг, тюнинг методи, кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими, ялпи сифат менежменти, сифат кафолати, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари, узлуксиз сифат яхшиланиши каби сифатни таъминлашга ва илғор тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган методларидан фойдаланиш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз олий таълим тизимида кенг қамровли ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирларида ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг тараққий этган давлатларидаги олий таълим муассасалари билан бошқарув тизими, молиялаш, академик ва илмий алоқаларини кучайтириш орқали илғор тажрибаларни ўрганиб боришга ва уни амалиётда жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган давлат дастурида халқаро тажрибага таянган ҳолда олий таълимнинг миллий тизими сифатини ошириш, дипломларни ўзаро тан олишда ҳамда талабалар ва ўқитувчилар алмашинувида барча иштирокчи давлатларни қўллаб-қувватловчи Болонья жараёнига қўшилиш масаласини ҳал этиш чора-тадбирларининг муҳимлиги қайд этилган². Бу ишларни амалга оширишда халқаро дастур лойиҳалари доирасида олиб борилаётган ишлар, Европа, Россия ва Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилганлиги, қўшма диплом таълим фаолиятининг кенгайтириб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ European integration in higher education: the bologna process towards a european higher education area, Hans de Wit, University of Amsterdam, the Netherlands, © Springer 2007

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т, 2017.– Б.108.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 515-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим сифати менежментини такомиллаштиришнинг метод ва механизмлари, таълим сифатини бошқариш, олий таълим бошқаруви, сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, олий таълим тараққиётининг қиёсий ўрганилиши республикамиз олимларидан Ю.Абдуллаев, У.Бегимқулов, Р.Жўраев, У.Иноятов, Ж.Йўлдошев, А.Каримов, Я.Исмадияров, Л.Перегудов, М.Саидов, Э.Сейтхалилов, Ш.Шарипов, М.Юлдашев, Ш.Курбоновлар томонидан ўрганилган.

Олий таълимда стратегик бошқарувни жорий этиш орқали рақобатбардошликка эришиш масалалари МДХ мамлакатларида В.В.Азарьева, Е.Ю.Васильева, Ю.И.Дорошенкова, Ю.А.Захаров, В.Л.Нестеров, Г.Ф.Ромашкина, Е.А.Лебедев, Н.Ш.Никитина, Е.Н.Рузаев, Е.И.Сахарчук, С.И.Солонин, С.О.Шапошниковлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Хорижий давлатларда эса, олий таълимда сифат тушунчасини талқин қилиш масалалари D.Green, олий таълим сифати, сифатли кадрлар тайёрлаш масалалари A.Ashworth, B.Cox, R.Ellis, J.Freed, R.Harvey, A.Ingleby, M.Klugman, C.Liston, W.Piper, D.Smith, L.Sherr, D.Teeter, A.Vroeijerstijn, D.F.Vught, Westerheijden каби олимлар томонидан ўрганилган. Бенчмаркингнинг олий таълимда кўлланилиши ва уни татбиқ этиш бўйича эса J.Alstete, A.Appleby, E.Bender, C.Camp, S.Codling, N.Jackson, H.Lund, F.Robin, A.Schofield, E.Schuh, J.Spendolini, M.Zairi каби олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Халқаролашув ва глобаллашув жараёнларининг олий таълимнинг сифат омиллари масалаларига таъсири бўйича P.Altbach, D.Hans, J.Knight, S.Marginson, M.Wende каби олимлар томонидан ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетда

бажарилаётган ПЗ-20170929727 «Олий таълим сифати диагностикаси ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» амалий тадқиқот лойиҳаси (2016-2018 йиллар) ҳамда Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-техника дастурлари бўйича № ИТД-4-150 «Олий педагогик таълимни стандартлаштиришнинг назарий ва амалий асослари» (2012-2014 йиллар), шунингдек, Темпус дастурининг TuСАНЕА-«Towards a Central Asian Higher Education Area: Tuning Structures and Building Quality Culture» мавзусидаги лойиҳа доирасида (2012-2016 йиллар), Эрасмус+ дастури томонидан молиялаштирилган UZDOC 2.0 – «Furthering the Quality of Doctoral Education at Higher Education Institutions in Uzbekistan» мавзусидаги лойиҳа (2016-2018 йиллар), ИМЕР – «Internationalisation and Modernisation of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan» мавзусидаги лойиҳалар (2015-2018 йиллар) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш йўллари татбиқ этиш механизмини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш омилларини аниқлаштириш;

олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш;

хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш компонентларини аниқлаштириш;

олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида АҚШ, Англия ва Европа олий таълим тизимларидаги сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг мазмун, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ривожланган мамлакатларда олий таълим муассасаларидаги рақобатбардошлик ва кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш муаммоси ахборот манбаларидан олинган маълумотларни таҳлил (анализ) қилиш, умумлаштириш (синтез), олий таълимни қиёсий таққослаш методларидан (Comperative analyses in higher education research) фойдаланилди. Шу билан бирга, қиёсий таҳлил, тарихий таҳлил, педагогик таҳлил, эмпирик метод, сўровнома, суҳбат ва математик статистика усулларида ҳам фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш омиллари (кредит тизимига мослашиш, академик муҳитнинг динамик ўзгариши) халқаро тажрибада кенг тарқалган «билимларнинг

коммерцияланишуви» ва «транснационал таълим» фаолият мазмуни асосида аниқлаштирилган;

олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг педагогик механизмлари диагностик (Diagnostic), метрик (Metric), ички (Internal), ташқи (external), рақобат (competitive) бенчмаркинг усулларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим сифатини белгиловчи компонентлар (рейтинг, академик салоҳият, кадрлар рақобатбардошлиги) ўзаро мослик (compatibility) ва ўхшашликни (comparability) меъёрий тавсифлашга йўналтирилган тюнинг методини «компетенцияларга асосланган таълим бериш» (competence-based learning) билан мақбул уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш механизми олий таълимнинг халқаролашуви жараёни (Internationalization of Higher Education), яъни хорижий талабалар сонининг оширилиши, профессор-ўқитувчилар алмашинувининг кўпайиши, халқаро таълимни ташкил этиш орқали бюджетдан ташқари маблағларнинг оширилиши каби кўрсаткичларга таянган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим сифатига таъсир этувчи глобаллашув ва халқаролашув жараёнларининг хусусиятларидан таълим муассасаларини бошқариш магистратура мутахассислиги ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг бенчмаркинг ва тюнинг методлари педагогика назарияси ва тарихи мутахассислигида ўқитиладиган «Педагогиканинг концептуал асослари» фани ўқув дастури мазмунига сингдирилган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари учун «Олий педагогик таълимни стандартлаштиришнинг амалий асослари» номли тўплам ва «Олий таълим: сифат ва рақобатбардошлик» номли методик қўлланма яратилган;

сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш механизми асосида олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга доир йўл хариталари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган хорижий адабиёт ва назарий маълумотларнинг бирламчи ва расмий манбаларидан олинганлиги, натижаларнинг халқаро даражадаги амалий семинарларда муҳокама этиб борилганлиги, хорижий профессор ва манба муаллифлари билан ҳамкорликда иш олиб борилганлиги, тадқиқот натижалари, хулоса ва тавсияларининг Эрасмус+ миллий идораси орқали амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан баҳоланади. Шу билан бир қаторда, диссертацияда қиёсий таҳлил, тарихий таҳлил, педагогик таҳлил методларининг

қўлланилиши тадқиқотчи илгари сураётган ғоя ва таклифларни назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олий таълимда сифат муаммоси, унинг мазмуни ва моҳияти, олий таълимда сифат ва рақобатбардошлик масалаларининг ўрганилиши, хорижий олий таълимда сифат менежменти, сифат кафолати ва академик стандартлар хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, бенчмаркингнинг олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрнининг ёритиб берилганлиги, тўнинг методининг хорижий олий таълимда қўлланилишининг кўрсатиб берилганлиги, глобаллашув ва халқаролашув сифатнинг устувор омиллари эканлиги, олий таълимда халқаролашув ва билимларнинг коммерциялашувининг намоён бўлишини аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказида раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш курсларида ўқитилаётган «Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари», «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий муҳити», «Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари», «Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар» каби модуллар мазмунининг бойитилганлиги, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш жараёнига татбиқ этилганлиги, олий таълим сифатига қўйилаётган талаб ва меъёрларни ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларининг рейтингини аниқлашда ҳамда Эрасмус+ Миллий идораси томонидан ташкил этилган инфо семинарларда фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш омилларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Бош илмий-методик марказда олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги «Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари», «Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари», «Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент», «Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар», «Таълим сифати мониторинги ва назорати» каби фанларни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 89-03-1552-сон маълумотномаси). Натижада хорижий олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашга доир таълим мазмуни бойитилган;

олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан педагогика назарияси ва тарихи мутахассислигида ўқитилган «Педагогиканинг концептуал асослари» фани ўқув дастури мазмунини бойитишда ҳамда таълим муассасаларини бошқариш магистратура мутахассислиги ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 89-03-1552-сон маълумотномаси). Натижада бенчмаркинг методи бўйича олий таълим муассасалари ўқув дастурларини қиёсий ўрганиш ва илғор тажрибалар асосида такомиллаштиришга эришилган;

олий таълим сифатини белгиловчи компонентлар мазмуни асосида «UZDOC 2.0 – Ўзбекистон олий таълим муассасаларида докторантура таълими сифатини ошириш», TuСАНЕА – «Марказий Осиё олий таълим майдонини яратиш йўлида тузилмавий (structural) адаптация ва таълим сифатини ошириш» мавзусидаги халқаро лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 89-03-1552-сон маълумотномаси). Натижада илғор хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистон республикасида олий таълим сифатини оширишга доир амалга оширилаётган ишларни оммалаштиришга эришилган;

олий таълим муассасаларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш механизмининг такомиллаштиришга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори иловаси «Йўл харитаси»нинг 11-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 89-03-2699-сон маълумотномаси). Натижада тўнинг ва бенчмаркинг методини Ўзбекистон олий таълим тизимида қўллаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та халқаро ва 16 та Республика миқёсидаги анжуман ва семинарларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация, кириш, тўрт боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълимда сифат муаммоси, унинг мазмуни ва моҳияти, олий таълимда сифат ва рақобатбардошлик масалаларининг ўрганилиши, хорижий олий таълимда сифат менежменти, сифат кафолати ва академик стандартларнинг хусусиятлари каби масалалар баён этилган. Тадқиқот жараёнида олий таълимда сифатга эришиш унинг салоҳиятини, иқтисодий барқарорлигини таъминловчи кафолат эканлиги аниқланди. Чунки ҳар бир олий таълим муассасаси ўз олдига қўйган миссияни (mission) амалга ошириш орқали истиқболли мақсадга (vision) эришиш ва мажбуриятларни бажариш учун ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда сифатни таъминлаш метод ва механизмларига таяниши лозим.



1-расм. Тадқиқотнинг назарий тузилмаси

Шу сабабли тадқиқот ишида жаҳон миқёсида кенг тарқалган ва муваффақиятли фойдаланилаётган бенчмаркинг ҳамда халқаролашув омили илмий жиҳатдан таҳлил этилган (1-расмга қаранг).

Хорижий мамлакатларда сифатнинг анъанавий тушунчаси мижозга (буюртмачи) юқори даражада маҳсулот (кадр) етказиб бериш, сервис

кўрсатиш ва имиджга эга бўлишдир. Олий таълим муассасаларида сифатни таъминловчи тузилмалар – бу таълим субъектлари, таълимнинг меъёрий асослари ва таълим муҳитидир. Англиялик муаллиф Диана Грин сифатнинг анъанавий маъноси (the traditional concept of quality), маҳсулот ёки сервисларнинг стандартлар ёки йўналишларга мувофиқлиги (Conformance to specification or standards), сифатнинг мақсадга мувофиқлиги (Quality as fitness for purpose), сифат мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига қаратилганлигини (Quality as meeting customers' stated or implied needs) таъкидлайди.

Олий таълимда мижозни аниқлашда фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Шунингдек, олий таълимдаги сифат мезонларини фақат талабанинг талаб ва истаклари белгиламайди, балки олий таълимда раҳбариятни таълим жараёни сифати қизиқтирса, талаба, ота-она ва буюртмачиларни эса таълим натижалари сифати кўпроқ қизиқтиради. Бизнинг фикримизча, олий таълимда «хизмат кўрсатувчи», «буюртмачи» ва «мижоз» категориялари бўлиши керак. Бу категориялар йиғиндисини анъанавий тарзда «манфаатдор гуруҳлар» деб аташ ўринли ҳисобланади. Тадқиқот давомида олий таълимда сифат масалаларига қизиқиш ғарб давлатларида ўтган XX асрнинг 80-йилларидан бошланганлиги, бунга олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг жадаллашуви, олий таълимнинг оммалашуви (massification of higher education), олий таълимдан манфаатдор гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўсиб бориши каби омиллар муҳим эканлиги аниқланди. Хорижий мамлакатларда олий таълим муассасалари автономиясининг ортиб бориши уларда сифатли кадр тайёрлаш вазифасини келтириб чиқарган. Бу эса, бундай олий таълим муассасаларининг рейтингги тушиб кетиши ва рақобатда ўз ўрнини йўқотишининг олдини олган. Европа давлатларининг олий таълим ва давлат муносабатлари борасида тутган ўрни турли хил бўлиб қолмоқда, чунки Ғарбий Европа давлатларида олий таълим тизими бир-биридан фарқ қилади. Масалан, олий таълим муассасаси даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши Англияда 50 фоиздан кўпроғини ташкил этса, Скандинавия давлатларида 5 фоиздан ошмайди. Европадан фарқли ўлароқ АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда, деярли, 60 фоиз атрофида маблағ хусусий сектордан келади. Шунга қарамай, сифат масаласида барча учун тенг талаблар қўйилади. Олий таълим сифати, сифатли кадрлар тайёрлаш масалалари билан Америка, Европа ва ривожланган Осиё мамлакатларидаги олимлар томонидан кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Э.Дэминг хулоса қилишича, ишлаб чиқариш ёки сервисда мижоз ўта муҳим ҳисобланиб, унинг талаб ва эҳтиёжларини узлуксиз ўрганиб бориш зарур деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, Деминг хулосаси ҳозирги даврдаги олий таълим жараёни учун бозорга мослашиш, кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, билимларнинг коммерцияланишувини амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Мижоз борасидаги Жосеф Журан, Филлип Гросби, Матааки Имайн ва бошқа олимларнинг яратган асарлари сифат масалалари бўйича изланиш олиб бораётган аксарият олимларнинг тадқиқотларида назарий ва

амалий асос бўлиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, олий таълимдаги қуйи поғона ходимлари ва профессор-ўқитувчилари билан юқори поғона раҳбар ходимларнинг фикр алмашишлари учун маълум имкониятлар яратилиши мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиш имконини беради ва Матааки Имайнинг хулосаларини амалда қўллаш мумкин бўлади. Шунинг учун олий таълимда сифатни бошқариш, кафолатлаш ва яхшилаш механизм ва моделларини иқтисодиётдан олиш ва мослаштириш зарурати туғилган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотимизда сифат менежменти (Quality Management), сифат кафолати (quality assurance), сифатни баҳолаш (quality assessment), ISO 9000 (International Organization for Standardization), сифат аудити (Quality audit) каби асосий термин ва тушунчалар батафсил таҳлил этилди, уларнинг ўзаро фарқлари, афзалликлари очиқ берилди. Шунингдек, хорижий олий таълимдаги аккредитацияни олиб бориш масалалари, давлат таълим стандарти ва академик стандартларнинг ўзаро фарқлари таҳлил этилди. Олиб борилган тадқиқот жараёнида таълим стандартлари сифатни кафолатловчи энг муҳим ҳужжат эканлиги аниқланди. Хорижий мамлакатларда унинг икки тури, яъни таълим стандарти ва академик стандартлар амалда қўлланилади. Академик стандартлар тушунчаси автономия асосида ишлаётган университетларда жорий этилган, лекин у аксарият ўринларда давлат тасарруфидаги ҳамда автономия асосида фаолият кўрсатадиган таълим стандартларига нисбатан ҳам қўлланилади.

«Хорижий олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг самарали йўллари» деб номланган иккинчи бобда хорижий олий таълим сифатини ошириш методлари, бенчмаркингнинг олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни, тюнинг методининг хорижий олий таълимда қўлланилиши таҳлили баён этилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, сифат ва рақобатбардошлик тушунчалари олий таълимга бизнес ва иқтисодиётдан кириб келди, чунки сўнгги йилларда сифат ва рақобатбардошлик тушунчалари фақат маҳсулот ишлаб чиқаришда ва бизнесда эътиборли бўлиб қолмасдан, балки ташкилотлардаги инсон ресурслари, кадрларни бошқариш ва иш жараёнини бошқаришда асосий кўрсаткич сифатида тан олинмоқда. Шу туфайли шиддат билан ривожланаётган рақобат ва тобора ўсиб бораётган янги технологиялар, маҳсулот ва сервис ишлаб чиқариш соҳасида кучлироқ бўлишга, ташқи омилларга ҳозиржавоб бўлишни кўзда тутувчи янги методлар қўллашга ундади. Тадқиқот давомида стратегик режалаштириш (Strategic Planning), яппи сифат менежменти (Total Quality Management), бизнес жараён реинжиниринги (Business Process Reengineering), сифатнинг узлуксиз яхшиланиши (Continuous Quality Improvement), кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими (Balanced Score Card) каби методлар илмий таҳлил этилди. Тадқиқот жараёнида сифатни ошириш ёки сифатга эришиш методларининг янги турлари пайдо бўлаётгани, улар орасида бенчмаркинг ва тюнинг каби методларнинг ўрни олий таълимда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Бенчмаркинг аслида бизнесга оид терминдир, лекин у аксарият соҳаларга, шу

жумладан таълим соҳасига ҳам кириб келди. Бенчмаркинг инглизча сўз бўлиб, горизонтал ричаг (bench) ва белгилаш (mark) деган маънолардан ташкил топган. Аксарият адабиётларда шундай таърифлар берилади: «Бенчмаркинг бу қиёслаш, бир-биридан ўрганиш ва шу йўсинда муассасанинг заиф томонлари ва муаммоли аспектиларини ҳамкорликда яхшилаш демакдир». Бенчмаркинг методидан фойдаланаётган ҳар бир ОТМ раҳбарияти ўзи танлаган ҳамкори ўзига мос ва турдош фаолият юритаётган бўлиши лозим. АҚШлик Р.Кнемпнер бенчмаркингни қуйидаги каби саволларга жавоб топишга уриниш деб қарайди: «Бошқаларга нисбатан биз қандай бажармоқдамиз?», «Биз қанчалик яхши бўлишни истаймиз?», «Ким яхшироқ бажармоқда?», «Улар (яхшироқ бажараётганлар) бунга қандай эришмоқда?», «Биз улар бажарган ишларни ўзимиз учун қандай мослаштира оламиз?», «Энг яхши бажаришга эришсак-да, янада такомиллашишни узлуксиз давом эттира оламизми?». Ушбу саволлар авваллари олий таълим муассасалари учун аҳамиятли эмас эди, лекин 1990 йиллардаги иқтисоддаги ўзгаришлар ташкилотларнинг сифат жиҳатдан ўсиб бориши «статус-кво» (бир тўхтамда туриб қолиш) билан қаноатланмай, балки узлуксиз тарзда иш фаолиятини юқоридаги каби саволга жавоб излаш асосида ташкил этилиши муҳим бўлиб қолди. Бенчмаркинг олий таълим соҳасида ҳам илғор тажрибаларни ўзаро ўрганиш имконини беради. Ж.Алститнинг таъкидлашича, бенчмаркинг университет ва коллежларда ҳар қандай янгилик ёки ижобий ўзгаришларга тўсқинлик мавжуд бўлган муҳитда таълим муассасасининг ривожланиши учун имконият яратиш орқали ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади. Ҳамкорлик қилиш, фикр алмашиш муҳити олий таълим муассасаларига хос бўлган жараён эканлигини ҳисобга олсак, бенчмаркинг олий таълим муассасаларига бизнес соҳасидан кўра ҳам кўпроқ зарур эканлиги маълум бўлади. Б.Бендар уқтирадики, олий таълим муассасалари доимо ўз фаолиятларини, яъни ўқув дастурларидан токи муассасанинг инфраструктурасигача бўлган барча аспектида доимий равишда камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, уларни ўз вақтида ҳал этишни кўзда тутувчи ишлар олиб боришлари керак. Агар шундай бўлмаса, таълим муассасаси ўз келажагини хатарга солиб қўяди.

Тадқиқот давомида бенчмаркинг мақсадига кўра бир неча турларга бўлиниши аниқланди. Масалан, олий таълимда кенг тарқалган турларидан бири генерик (Generic) бенчмаркинг деб аталади. Ж.Алстит генерик бенчмаркингнинг шундай қирраларини белгилайди:

- ҳамфикрлик, генерик бенчмаркингда қатнашувчи муассасалар ўртасида мулоқот олиб бориш, ягона ғояга эга бўлиш ва тажрибалар ўрнатиш учун қулай шароит яратилади;

- тажрибалар ўрганишга тайёргарлик, бунда интервью, сўровнома ва амалий ташрифлар каби усуллардан фойдаланилади ва асосли тажриба ўтказилади. Бу усуллар мақсадни белгилаш ва доимий яхшиланиб бориш имкониятини пайдо қилади;

- ҳамкорликни кенгайтириш, генерик бенчмаркинг жараёнида кўзда тутилмаган бошқа муаммолар ҳам юзага чиқиб қолиши мумкин. Бу эса ҳамкорликни кенгайтириш эҳтиёжининг ортиб боришига олиб келади.

Тадқиқот давомида жараён бенчмаркингги (process benchmarking), диагностик бенчмаркинг (Diagnostic benchmarking), метрик бенчмаркинг (Metric benchmarking), стратегик бенчмаркинг (strategic benchmarking), ички бенчмаркинг (Internal benchmarking), ташқи бенчмаркинг (external benchmarking), рақобат бенчмаркинг (competitive benchmarking) турлари таҳлил этилди ва уларнинг афзалликлари асослаб берилди.

Карен Кларк бенчмаркингни олий таълимда қўллашнинг олти босқичли методини тавсия этган:

1. Қайси масалада бенчмаркингни қўллашни аниқлаб олиш. Бунда бенчмаркинг методини қўллаган ҳолда муассасада ўнгланиш ёки такомиллаштирилиши лозим бўлган объект аниқлаб олинади. Масалан, олий таълимда фанни ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқотларни кенгайтириш, таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув амалиётининг самарадорлигини ошириш, талабаларга сервис хизматини кўрсатиш борасида қўллашни мисол қилиш мумкин.

2. Ҳамкор муассасани аниқлаб олиш. Бенчмаркинг олиб бориш жараёнининг муваффақияти қандай ҳамкор муассаса танланиши билан боғлиқ. Бунда муассасанинг функцияси, иш жараёни ва йўналишларининг ўхшашлиги ҳисобга олинади ёки кадр тайёрлаш соҳалари жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи муассаса ҳам танланиши мумкин.

3. Маълумотлар тўплаш методини аниқлаб олиш ва маълумотлар йиғиш. Маълумотлар тўплашда фактларга таянган маълумотлар назарда тутилади. Бунда сўровнома, интервью, ҳужжатлар ва ҳисоботлар таҳлили каби методлар қўлланилиши мумкин.

4. Фаолиятнинг жорий даражасини аниқлаб олиш. Бунда таълим жараёнида ёки муассасанинг иш фаолиятида юз бераётган муаммоли масалани тузатиш ва яхшилаш учун унинг жорий даражасини, яъни муаммоли бўшлиқни аниқлаб олиш назарда тутилади.

5. Кўзланаётган натижанинг даражасини аниқлаб олиш. Бунда мавжуд бўлган муаммони ечиш ва ривожлантириш натижасида қай даражада муваффақиятга эришиш, фойда олиш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

6. Натижаларни боғлаш. Бунда олинган натижа ва тажрибалардан (бенчмарк) ўрганиш ва ўзлаштириш ишлари ҳамда ҳамкор муассасадаги фойдали, намунали тажрибаларни топиш ва шу асосда ўзидаги мавжуд муаммони ечиш мақсадида фойдаланиш тушунилади.

Бенчмаркингда кўпроқ сифатга эътибор берилса, Тюнинг методида ўзаро мослик (compatibility) ва ўхшашлик (comparability) асосий эътибор марказида туради. Тюнинг методи (Tuning methodology) сўнги 10 йил ичида Европа олий таълим тизимида кенг тарқалган. Тюнинг сўзи инглиз тилидаги «Tuning» сўзидан олинган бўлиб, созлаш маъносини беради, метод сўзини эса европалик муаллифлар томонидан методология деб ҳам юритилади.


Бизнингча, бу ерда метод сўзини қўллаш ўринлидир, чунки методология сўзи алоҳида олинган бир методга нисбатан қўлланилмайди. Тюнинг методи олий таълим жараёни сифатини интенсив равишда ошириш ва уни сақлашга қаратилган, бир-бирига мос келувчи ва солиштириш мумкин бўлган меъёрий тавсифлар ёки мутаносиб нуқталар (reference points) яратиш орқали фойдаланиш мумкин бўлган метод деб аталади. Ушбу методда билим олувчининг эришиши мумкин бўлган компетентлик даражаси асосий аҳамиятга эга. Билим олувчининг компетентлик даражаси у эгаллаган компетенцияларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлади. Компетенциялар таълим жараёнининг натижаси ва маҳсули ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, тюнинг методида «Компетенцияларга асослаган таълим бериш» (competence-based learning) тушунчаси кенг тарқалган. Деусто университетининг (Испания) педагогик ёндошувига кўра, ушбу метод, марказида талаба турувчи (student-focused learning) таълим бериш жараёни, деб ҳисобланади. Компетенцияларни белгилашда жамиятдаги эҳтиёжлар, талаблар, маҳаллий урф-одатлар, тенденциялар ҳисобга олинади. Энг муҳими, тюнинг методида олий таълимдан манфаатдор гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосий эътиборда бўлади. Бу ерда манфаатдор гуруҳларга иш берувчи, олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчилар таркиби, талабалар, ва битирган талабалар киритилади. Мана шу тўрт гуруҳнинг талаб ва эҳтиёжлари динамик тарзда ўзгариб бормоқдаки, бунда олий таълим муассасалари давлат ёки хусусий эканлигидан қатъий назар, ўзгаришларга нисбатан тезкор ҳаракат қилишга мажбур бўлмоқда. Тюнинг методи 1999 йилда ташкил этилган Болонья жараёни билан бир пайтда Ғарбий Европада татбиқ этила бошланди, чунки олий таълимда ҳамкорлик қилиш ва тажрибаларни ўзаро алмашиш Болонья жараёнининг асосий мезонларидан ҳисобланади. Тюнинг методи Марказий Осиё давлатларида Темпуснинг TuСАНЕА лойиҳаси доирасида синаб кўрилган. Демак, тюнинг методини хорижий тажриба сифатида ўрганиш ва зарур ҳолларда ундан фойдаланиш мамлакатимизда олиб борилаётган олий таълимдаги ислохотларни амалга оширишда фойдали ҳисобланади. Айниқса, иш берувчи, олий таълим, талаба ва буюртмачилар ўртасидаги эҳтиёж ва талабларни таҳлил этишда, ўқув дастурларини такомиллаштиришда қўл келиши мумкин.

«Хорижий олий таълимда халқаролашув жараёни, унинг сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни» деб номланган учинчи бобда глобаллашув ва халқаролашув сифатнинг устувор омиллари сифатида эканлиги, олий таълимда халқаролашув ва билимларнинг коммерциялашуви баён этилган. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнининг олий таълимга таъсири ҳам илмий таҳлил этилган. Чунки глобализация олий таълим учун феномен бўлиб, дунёдаги ҳеч бир олий таълим муассасаси унинг таъсир кучларини четлаб ўта олмайди. Фан ва технологиянинг ривожланиши ҳамда иқтисодийнинг ўсиб бориши билан мамлакатлар ўртасида янада интеграциялашувга ва халқаро алоқаларнинг кучайишига олиб келмоқда. Ҳозир фанда кўп учраб турадиган глобаллашув (globalization), халқаролашув

(internationalization), минтақалашув (regionalization), европалашув (europeanization) каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши ҳам юқоридаги омиллар билан боғлиқ. Дунёдаги глобал ва халқаро ўзгаришларда, албатта, олий таълим ва унинг фаолияти муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот жараёнида олий таълимнинг халқаролашуви ва глобаллашуви тушунчалари батафсил очиб берилди. Хорижий манбаларда глобаллашув ва глобаллашув жараёнлар олий таълимда тўхтовсиз ўзгариш ва ривожланишнинг маҳсули деб таъкидланган. Олий таълимда халқаролашув эса жамият, сиёсат, иқтисод, меҳнат бозорларининг глобаллашуви натижасида мавжуд бўладиган эҳтиёж ва талабларга жавоб бўлувчи систематик ва қўллаб-қувватловчи ҳаракат сифатида тушунилади. Бундай ҳаракатларга талабалар, илмий ходим ва ўқитувчилар алмашинуви ва сафарбарлиги, чет эллик талабаларнинг кўпайиши, илмий ишлар натижаларининг халқаро доирада кенг қўлланилиши, олий таълим муассасаларининг чет давлатларда филиал ва оф-кампусларига (off-campus) эга бўлиши, халқаро нашрларда қатнашиш, иқтибослиги юқори бўлган мақолалар сонининг кўпайиши, молиялашни диверсификациялаш, олий таълим муассасаси ўзининг стартапларига (start-up) эга бўлиши, инновацион ғояларни сотиш орқали билимларнинг коммерцияланиши кабиларни киритиш мумкин. Бизнинг фикримизча, халқаролашувни глобаллашувнинг таъсир кучларига жавоб берувчи восита деб қараш мумкин бўлади. Олий таълим сифати масаласи глобаллашув жараёнларига тайёр туриши лозим, чунки сифат ва халқаролашув ўзаро чамбарчарс боғлиқ масалалардир. Халқаролашув ҳаракатлари ва унинг компонентларининг барчаси, халқаро ҳамкорлик, талаба алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви кабилар олий таълим сифатига хизмат қилади. Олий таълим халқаролашуви таълим сифатини оширишдаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Тадқиқот давомида ўрганилган хорижий манба ва тажрибалар доирасида халқаролашув жараёни асосида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш таклифи ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг). Аксарият ғарб олий таълим муассасаларида халқаролашувни, юқорида таъкидланганидек, хорижий талабаларни кўпайтириш, бошқа давлатларда оф-кампус (off-campus) ва филиаллар ташкил этиш ёки масофавий таълим бериш деб қаралади. Бу эса ўз-ўзидан таълимнинг, умуман олганда, билимнинг коммерцияланишига олиб келган.

Билимнинг коммерцияланиши, билимни ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки эгалик қилинувчи мулк каби сотиш ёки сотиб олиш тушунилади. Билимларнинг коммерцияланиши негизида «интеллектуал иқтисод» (Knowledge economy) тамойиллари ётади. Олий таълим ва илмий тадқиқотларсиз интеллектуал иқтисодга ўтишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун олий таълимнинг халқаролашуви ва глобал жараёнлар билан мос бўлишини интеллектуал иқтисоднинг асоси деб юритиш мумкин.



2-расм. Халқаролашув жараёни асосида академик ва институционал стратегик режалаштириш

Тадқиқот давомида олий таълим сифати ва рақобатбардошлигига таъсир этувчи транснационал таълим тушунчаси ҳам очиб берилди. Бизнинг фикримизча, билимларнинг коммерцияланишининг асосий сабабларидан бири, олий таълим олиш эҳтиёжининг ўсиб бориши ва иш берувчининг олий маълумотли кадрларга бўлган талабининг ошиши деб талқин қилиш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида хорижий талаба ва ўқитувчиларнинг кўпайиши, мавжуд баҳолаш тизимининг халқаро стандартларга мослашиши (ECTS тизими), академик муҳитнинг динамик ўзгариши, олий таълим муассасалари инфратузилмасининг халқаро талабларга мослашиши, хорижий тилларда дарс берувчи профессор-ўқитувчилар билан етарлича таъминлашнинг кескин чораларини кўриш, халқаро даражада ўқув адабиётлар билан таъминлаш каби масалаларни кун тартибидаги энг муҳим вазифалар қаторига киришини тақозо этади.

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида сифатни таъминлаш бўйича хорижий тажрибаларни татбиқ этиш имкониятлари» деб номланган тўртинчи бобида хорижий тажрибаларни олий таълимда қўллаш имкониятлари, педагогик фанларда тадқиқот мавзусига оид муаммоларнинг ўрганилиши ва тажриба-синов ишлари баён этилган. Тажриба-синов икки қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисмда хорижий олий

